O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING

QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-111, Faks: 0(362) 41-94-255

2024 йил "11" февраль № 122 Yangibozor tumani

Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоғидаги "GULISTON TOMORQA XIZMATI MCHJ" масъулияти чекланган жамиятига ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-,53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни, Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоғидаги "GULISTON TOMORQA XIZMATI MCHJ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Шомуратовнинг ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси хулосаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан,

Қарор қиламан:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.

2. Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоғидаги "GULISTON TOMORQA XIZMATI MCHJ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Шомуратовга Ширинқўнғирот қишлоғининг туман ҳокими захира ер ҳисобидаги № 238-контурларида жойлашган умумий ер майдони - 4,4 гектар, шундан сугориладиган экин ери - 4,2 гектар, ариқ ва зовурлар - 0,2 гектардан иборат ер участкасида сабзавот-полиз маҳсулотларининг уруглари ва кўчатларини етиштириш ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 10 йил қилиб белгилансин.

3. Янгибозор туманидаги Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоғидаги "GULISTON TOMORQA XIZMATI MCHJ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Шомуратовга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Шомуратов ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер

Сканировано с CamScanner

майдонларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Янгибозор туманидаги Янгибозор тумани Ширинқўнғирот қишлоғидаги "GULISTON TOMORQA XIZMATI MCHJ" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Шомуратовга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика бўлими ва туман давлат солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

6. Ушбу қарорга асосан туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **У.Курбанов**

Сканировано с CamScanner